

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI

QARSHI MUHANDISLIK- IQTISODIYOT INSTITUTI

Texnologiya fakulteti

5321000 – Oziq-ovqat texnologiyasi (yog' va moylar texnologiyasi bo'yicha)
bakalavr ta'lim yo'nalishi talabasi

Ravshanov Temur Zamat o'g'ri

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Mavzu: Quruqabi 50 t / sutka pakta
moyini kompleks rafinatsiyalash
texnologiyasini tashkil etish

Rahbar:

[Imzo]
Imzo

D.A. Rajabova
ilmiy unvoni F.I.SH

Ishni bajaruvchi:

[Imzo]
Imzo

T. Z. Ravshanov
F.I.SH

«Himoyaga ruxsat etildi»

«Himoya uchun DAK ga yuborildi»

Kafedra mudiri:

[Imzo]
imzo

ilmiy unvoni F.I.SH

Fakultet dekani:



[Imzo]
imzo

ilmiy unvoni F.I.SH

« 10 » 06 2017y

« 06 » 2017y

Qarshi — 20 17 yil

Пахта мойини комплекс рафинациялаш
технологиясини ташкил этишида карбамидли эритма
таъсирини ўрганиш

Лист

Ўз.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана

Мамлакатда рақобатбардош юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, ички истеъмол бозорини турли товарлар билан янада бойитиш ҳамда ҳудудий иқтисодиётнинг юксалишида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳиссаси бекиёсдир. Бу борада тадбиркорларимиз томонидан амалга ошириб келинаётган эътиборга молик ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шундан келиб чикиб 2017 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 108 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу борада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 10,3 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 9 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Биз ўз олдимизга истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 11,7 фоизга, шу жумладан, озиқ –овқат маҳсулотларини 13 фоиз ва ноозик –овқат товарларини 13,1 фоизга кўпайтириш, ушбу маҳсулотларни чакана савдо тармоғи орқали сотишни 16,2 фоизга ошириш вазифасини қўймоқдамиз.

Бу борада рақобатбардош ички маҳсулотлар тайёрлаётган корхоналарнинг ўрни тобора ортиб бормоқда.

Ўрни келганда шуни қайд этиш керакки, мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқаришни, жумладан, енгил ва оғир саноатни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборларида бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда ички ресурслардан фойдаланган ҳолда махсар, соя, кунжут, зиғир, мевалар данаклари каби мойли ўсимликларни маҳаллий муҳитга мослашган турларини етиштириш кўпайтирилмоқда. Натижада, биринчидан, ўсимлик мойларига бўлган танқислик қисман қондирилади ва нисбатан арзон маҳсулот ишлаб чиқарилади. Иккинчидан, қайта ишлаб олинadиган иккиламчи маҳсулот, оқсилга бой озуқа - шрот ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Шу йўл билан эркин валюта сарфи камайтирилиши билан гўшт, сут етиштириш ҳам кўпаяди. Учинчидан, ўсимлик мойлари ва улардан олинadиган маҳсулотлар ассортименти кўпайишига эришилади.

					<i>Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш</i>	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Республикаимиз мустақилликка эришиши ва эркин бозор муносабатлари шаклланиши билан мой-мой саноатимиз кўп тармоқли ривожланмоқда. Катта қувватли саноат корхоналари билан бирга хусусий ва кичик корхоналар ҳам ривожланмоқда. Шу йўл билан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми ва ассортименти ошиб бормоқда. Агар вазиятни таҳлил қилсак, кичик корхоналар кам тоннали хом ашёларни қайта ишлашга мосроқ келиши аён бўлади. Масалан катта корхоналар кунжут, зиғир ёки узум данакларини қайта ишлашга ихтисослашган техника ва технологияларга эга эмас. Шунингдек катта миқдордаги хомашёни етиштириш, тўплаш ва транспортировка муаммолари ҳам мавжуд.

Республика мой-мой саноати озиқ-овқат саноати умумий маҳсулоти ҳажмининг 40 % га яқинини беради. Косон, Гулистон мой экстракция заводлари (бир кунда 1200 т. чигитни қайта ишлайди), Фарғона мой-мой комбинати (қуввати кунига 840 т. чигит), Қўқон мой-мой комбинати (қуввати кунига 810 т.чигит), Каттақўрғон мой-мой комбинати; (қуввати кунига 950т. чигит), Денов мой-мой экстракция заводи (суткада 800т. хомашё), Урганч мой-мой комбинати (суткада 800т. хомашё) тармоқдаги энг йирик корхоналардир.

Ёғ-мой саноатида истикболли режалар корхоналар ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланишга эришиш, маҳсулот сифатини ошириш ва ассортиментни кўпайтириш, шунингдек импорт маҳсулотларини қисқартириш яъни ички бозордаги ёғ-мой маҳсулотлари турларига бўлган талабни ички имкониятлар орқали қоплаш ва маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган дастурлардан иборат. Жумладан, бугунги кунда, хом ашёларни етиштириш йўлга қўйилмоқда. Охирги вақтларда махсар ва кунгабоқар етиштириш оммавий тус олишга улгурди.

Саноатимизда чигитни қайта ишлаш қуввати йилига 3,6 млн.тоннани, маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати йилига 524 минг тоннани, майонез ишлаб чиқариш 2 минг тоннани, хўжалик совуни ишлаб чиқариш 120

					<i>Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш</i>	Лист
Ўз.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

минг тоннани, атир совуни ишлаб чиқариш 11 минг тоннани ташкил қилади. Асосий мақсад республикамиз халқ хўжалигини экологик тоза, рақобат бардош, чиройли қадоқланган мой-мой маҳсулотларини энг кам таннархда, қулай меҳнат шароитида ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, бу мақсадни амалга ошириш учун саноатимизни замонавий, юқори самара берувчи асбоб, ускуналар ва янги технология билан таъминлашни босқичма босқич амалга оширилмоқда. Бунинг учун 23 та мой-мой корхоналарининг барчасида реконструкция ишлари, қайта техник таъмирлаш, чет эл инвестициялари иштирокида қўшма корхоналар яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Кейинги вақтларда Республикамиз ёғ-мой корхоналарида чет ел инвестрлари иштирокида янги технология барпо этиш ва шу билан бирга янги маҳсулот турларини яратиш каби ишлар жадал амалга оширилмоқда чет ел инвестисияларини қўллаб, яъни янги ишлаб чиқариш сеҳлари, ишлаб турган корхоналарни замонавий ускуналар билан жихозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, малакавий битирув ишида эришилиши лозим бўлган ечимларнинг **асосий мақсади** – пахта мойини рафинациялаш жараёнида карбамидли эритма тасъирини ўрганиш ва сифатли мой олиш учун карбамидли эритманинг концентрациясини, ҳамда оптимал шарт шароитларини ишлаб чиқиш.

Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб оинди:

- мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш орқали изланишларнинг йўналишини белгилаб олиш ав асослаш;
- тадқиқот объектларини ва самарали таҳлил усулларини белгилаш;
- карбамидли эритма ишлатилганда мойга таъсир хусусиятларини ўрганиб чиқиш ва уларнинг мой ва соапсток чиқишига тасирини таҳлил қилиш;

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

- саноатда рафинация усулларини ўрганиб чиқиш, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари ўрганиш;

- пахта мойини рафинациялаш жараёнида карбамидли эритма таъсирини ўрганиш ва сифатли мойлиш учун карбамидли эритманинг концентрациясини, ҳамда оптимал шарт шароитларини ишлаб чиқиш.

- олинган натижаларни иқтисодий самарадорлигини ўрганиш.

Малакавий битирув ишининг илмий янгилиги — пахта мойини рафинациялашда соапсток заррачаларини йириклаштириш мақсадида бериладиган сув ўрнига маълум бир концентрацияли карбамидли эритма билан ишлов бериш технологиясини тавсия этиш.

					<i>Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш</i>	<i>Лист</i>
<i>Ўзг.</i>	<i>Лист</i>	<i>Хужжат</i>	<i>Имзо</i>	<i>Сана</i>		

1. МАВЗУНИ ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН АСОСЛАШ

Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасига қарашли корхоналарнинг мамлакатимиз саноатида, халқимиз дастурхонинг файзли ва тўкин сочин бўлишига муносиб ўрни, нуфузи бор. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, истиқлол йиллари корхоналаримиз учун том маънода янгиланиш, ўсиш, ўзгариш даври бўлди. Замон билан ҳамнафаслик, ҳар бир йилни муваффақиятли яқунлаш, халқимиз эҳтиёжи учун сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ёғ ва ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маҳсулот ҳажмини ҳамда турини кўпайтириш аъёнага айланди бундай кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда аваламбор, соҳани тубдан ислоҳ қилишга, модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада юртбошимизнинг 2007 йил 12 июндаги “2007-2011 йилларда ёғ-мой саноати корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш Дастури туғрисида”ги ҳамда 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган “2012-2016 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни ва бошқарувини ташкиллаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида” қарорлари дастуриламал вазифасини утаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида уюшма бойича корхоналарни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлашнинг урта муддатли дастури яратилди. Ушбу дастурда белгилаб берилган вазифалар юзасидан ибратли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Уюшма бойича 2015 йилга белгиланган устувор иқтисодий дастурлар бажарилиши бўйича чора-тадбирлар Дастури» ижроси таъминланди, биринчи навбатда, тармоқ иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Мустақил Республикамизда ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қайта ишлаш саноатининг хом ашёга бўлган талабини қондириш мақсадида таъминотни тубдан яхшилаш, ҳамда уни узлуксиз давом

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда қарбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўз.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

эттириш давр талабидир. Айниқса, бу борада ёғ-мой саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш имконини беради. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши қуйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равишда, анъанавий экспорт салмогини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни шмонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Республикамиз қайта ишлаш соҳасининг ҳозирги босқичдаги асосий вазибалари: хом ашё етиштириш жойларида замонавий қайта ишлаш цех ва корхоналарини жойлаштириш, дунё бозорида ёғ-мой маҳсулоти ассортименти ва миқдори мавқеини мустаҳкамлаш, келажак учун реал истиқбол режага эга бўлишдир. Корхона ривожланиш шакли, уни юқори органлар томонидан ривожланишни бошқариш механизми шаклланиши керак. Ишлаб чиқариш тармоғи инкироздан ҳимояланиш чоралари кўрилиши керак.

					<i>Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини ташкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш</i>	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Хукуматимизнинг «Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларини чуқурлаштиришнинг асосий юналишлари» қарорида «Хужалик юритиш ташкилий ҳукукий шакллари ширкат, фермер ва дехкон хужаликларида саклаб, фермер хужаликлари ривожлантириш приоритет сифатида белгилансин, улар келажакда қишлоқ хужалик маҳсулотларини етиштирувчи асосий субъект бўлиши керак» деб қурсатилган. Шунинг учун фермер хужаликларида кичик мини технологияларни қўллашга ҳозирги кунда катта аҳамиятга эга.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози жаҳон инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича мамлакатимизда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналиши бўлиб қолади.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Булардан биринчиси бўлиб, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этишдир. Бу ўринда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда.

Озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг кўлами рағбатлантириш тизими назарда тутилган.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқарилмоқда. Шу борада дастлабки ҳисоб-

					<i>Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда қарбамидли эритма таъсирини ўрганиш</i>	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

китобларга кўра, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар тахминан 6 миллиард долларни ташкил қилади.

Дастурнинг асосий вазифаси — қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил етиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Бу борада вазифа кенг миқёсда қўйилмоқда — яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг қўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хомашё базасини ташкил етиш зарур. Бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беришини аниқ-равшан тушуниб олишимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда **Ўзбекистонда сабзавот, мева ва узум етиштириш** бўйича тўпланган катта тажриба ва салоҳият билан, уларнинг дунё селекциясида ўхшаши бўлмаган жуда бой, хилма-хил навлари, бетакрор сифати билан таништириш, озиқ-овқат соҳасидаги мавжуд муаммоларни ечишда ва глобал озиқ-овқат дастурини ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистоннинг қўшаётган ҳиссасини ошириш имкониятларини муҳокама этишдан иборат деб биламиз.

					<i>Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини ташкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш</i>	<i>Лист</i>
Ўз.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

2. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

2.1. ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ФИЗИК КИМЁВИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ (5-8 варақ)

Рафинация деб мой ва мойларни аралашма ва ҳамроҳ моддалардан тозалаш жараёнига айтилади.

Ўсимлик мойлари таркибидаги йўлдош моддаларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) иқлим шароити ва нав кўрсаткичларидан келиб чиқадиган ва ўсимлик ўсиш ва уруғлар етилиши жараёнида табиий пайдо бўладиган, ҳамда мой таркибига технологик жараёнларда ўтадиган моддалар.

Бу моддаларга фосфор сақловчи моддалар (фосфолипидлар), пигментлар (каротин, ксантофилл, госсипол, хлорофилл ва б.), мумсимон моддалар, мойда эрийдиган витаминлар (А, D, E, K), стероллар, ҳид ва таъм берувчи моддалар, эркин мой кислоталари, гликолипидлар, фосфопротеидлар ва б. киради.

2) уруғларда сақлаш жараёнида ноқулай шароит, қайта ишлаш жараёнида технологик факторлар (юқори ҳарорат, намлик, ҳаводаги кислород) таъсирида ҳосил бўладиган моддалар.

Бу гуруҳга оксидловчи парчаланиш моддалари (оксибирикмалар, алғдегидлар, кетонлар, куйимолекуляр мой кислоталари), триглицеридларни гидролитик ва термик парчаланиши маҳсулотлари, ҳамда йўлдош моддларни ўзгарган ҳосилалари (мой кислоталари, полимеризация маҳсулотлари).

Қуйидаги жадвалда баъзи бир мойларнинг таркибий қисмлари келтириб ўтилган.

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Мойлар	Токофероллар мг%	Стеринлар	Совунланмайди ган моддалар	Фосфатид- лар, %
Кунгабокар	70 атрофида	0,50-0,91	0,5-0,9	0,20-1,40
Пахта	80-100	0,31	0,5-1,5	1,12-2,55
Соя (экстракцияла нган)	90-180	-	0,2-0,3	1,90-4,50
Рапс	50 атрофида	0,35	0,2-1,0	1,15-1,28
Зиғир	-	0,42	0,5-1,1	0,1-0,88
Ерёнғок	20-50	0,25	0,1-0,2	0,20-0,28

Ёғ-мой саноатимиз маълум маънода паст сифатли чигитларни қайта ишлаш ва ажратиб олинган паст сифатли (кислота сони ва ранг кўрсаткичлари ёмон) мойларни рафинация қилиш технологияси билан қуролланган. Мойни мисцеллада рафинация қилиш ва ишқор-карбамид муҳотида рафинация қилиш шу жумладандир /83-85/. Лекин, кейинги йилларда мой-мой корхоналарида паст сифатли чигитлардан ажратиб олинган қора мойларни рафинация қилиш жараёнида зичлашмаган, таркибида мой миқдори кўп бўлган соапсток ҳосил бўлиши натижасида тоза мой чиқиши пасайиб кетиши ҳоллари кузатилмоқда. Таҳлиллар натижасида шу нарса аниқландики, қора мойнинг кислота сони 7 мг КОН дан юқори бўлганда, одатдаги ишқорий рафинацияда тоза мой чиқиши 55-60% гача тушиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатда соапстокни чўктириш учун тузли эритма ишлатиш ҳам яхши самара бермайди.

Қора пахта мойи рафинацияга бериладиган хомашё сифатида мураккаб, кўп компонентли муҳитни ташкил қилади. Ташкил қилувчиларга бир қатор йўлдош моддалар ва гидратланадиган ҳамда гидратланмайдиган фосфатидлар киради.

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини ташкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Гидратацияланадиган фосфатидлар қора мой таркибидан гидратация жараёнида сув билан, ёки рафинацияда ишқор эритмасидаги сув таъсири билан чиқиб кетади. Гидратацияланмайдиган фосфатидлар мой таркибидан гидратация даврида чиқиб кетмайди. Бунинг учун ортофосфор кислотасининг турли концентрацияли эритмалари тавсия қилинади. Лекин қора пахта мойида ортофосфор кислотаси эритмасини фойдаланиш мураккабликларга олиб келади. Чунки бу ҳолатда госсипол оксидланиб қора рангли ҳосилаларга айланади ва гидратация қилинган мой ранги ёмонлашиб, кейинги нейтраллаш жараёнини қийинлаштиради. Шунинг учун ишлаб чиқариш технологиясига таянган ҳолда, унинг мавжуд имкониятларидан фойдаланиб, масаланинг ечимини топишга ҳаракат қилдик.

Рафинация жараёнини ишқор ва сувнинг мой таркибидаги йўлдош моддаларни чиқариб юборишга қаратилган бир вақтдаги таъсири деб тасаввур қилиш мумкин. Бу аввало эркин мой кислоталари, госсипол ва гидратацияланадиган фосфатидлар ҳамда мойдан соапсток заррачаларидаги адсорбция ҳисобига чиқиб кетадиган госсифосфатидлар ва госсиполнинг бошқа оксидланган ҳосилаларига тааллуқлидир. Мой сифати ёмон бўлган ҳолатларда рафинацияга юқори концентрацияли ишқор ишлатиш тавсия қилинади. Бунда гидратацияланмайдиган фосфатидларни бир қисми гидратацияланадиган ёки яримгидратацияланадиган ҳолатга ўтади ва соапстокни намлашга бериладиган сув билан чиқиб кетади деб қаралади. Лекин керакли миқдордаги сув берилган вақтда зичлашмаган соапсток ҳосил бўлиб, чўкмага тушиши қийинлашади ва йўқотишлар кўпаяди.

Ишқорли рафинация Ўсимлик мойларида маълум миқдорда эркин мой кислоталари бўлади, булар мойнинг сифатига боғлиқ. Эркин мой кислоталарининг бўлиши мой сифатини ёмонлаштиради, озиқавий қийматини камайтиради. Юқори ҳароратда эркин мой кислоталари аппаратларнинг коррозияланишига олиб келади. Озиқ-овқат учун ишлатиладиган мойларнинг

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

кислота сони 0,2-0,3 мг КОН дан ошмаслиги керак. Бундан эса эркин мой кислоталарини йўқотиш зарурлиги келиб чиқади.

Саноатда қуйидаги усуллар билан мой кислоталари йўқотилади.

1. Эркин мой кислоталарини ишқор билан нейтраллаш (ишқорли рафинация).
2. Юқори ҳароратда ва вакуум остида эркин мой кислоталарини йўқотиш (дистилляцияли рафинация).
3. Эркин мой кислоталарини мойдан селектив эритувчилар ёрдамида ажратиб олиш (экстракцияли рафинация)

Саноатда асосан ишқорли рафинация ва охириги йилларда дистилляцияли рафинация кўпроқ ишлатилмоқда. Селектив эритувчилар ёрдамида рафинациялаш ҳали амалий жиҳатдан мой-мой корхоналарида ишлатилгани йўқ.

Ишқорли рафинация-кенг тарқалган усул ҳисобланади. Бу усулда мой кислоталарини мойда эримайдиган тузи, яъни совун ҳосил бўлади.



Рафинация учун зарур бўлган ишқорнинг назарий миқдори кислота сонига асосан қуйидаги формула билан топилади.

$$I_n = Q \cdot 0,714 \text{ К.с. (кг)}$$

бу ерда: Q- нейтралланадиган мой миқдори, кг

$$0,714 = 40/56$$

К.с-кислота сони

Ишқорли рафинация механизми. А.А. Шмидт томчи усулини қўллаб рафинация жараёнини тўлиқ текширган. Бу усул, ишқор томчиси мой қатламига тушганда, унинг ҳаракатини кузатишга асосланган.

Ишқор эритмаси томчиси мойга тушганда, эркин мой кислоталари билан реакцияга киришиши ҳисобига мой юзасида совунли парда ҳосил бўлади. Мойнинг қаршилиги таъсирида совунли парда олдинига томчи

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

ҳаракатига қарама-қарши томонга сурилади, кейин эса томчидан ажралиб чиқади ва шу вақтда халтача ҳосил бўлади, бу халтачани ичида ишқор ва мой бор. Бу ишқор мойни совунлайди. Ишқор томчисини сурилишига қараб янги парда ҳосил бўлади. Бу жараён ҳамма ишқор сарф бўлгунча ёки ишқор томчиси аппарат тубига тушгунча давом этади. Совунли парда фосфатидлар, бўёвчи моддалар ва нейтрал мойни маълум миқдорини бириктириб олади. Совун қатлами орқали ҳаракатда совунли пардалар бирлашиб, парча ҳосил қилади. Бу парчалар аппарат тубига тушиб, соапстокни ташкил қилади. Шундай қилиб, соапсток таркибида: совун, нейтрал мой, аралашмалар, маълум миқдорда ишқор, сув, ҳамроҳ моддалар бор. Рафинация жараёнининг бориши ва соапсток структурасининг тузилиши мойнинг ҳароратига, ишқор, концентрациясига ва жараён шароитига боғлиқ.

Турли ўсимлик уруғларидан олинган қора мойларнинг кўрсаткичлари

2 жадвал

№	Кўрсаткичлар	Қора мойлар тури			
		Пахта	Соя	Махсар	Узум
1	Кислота сони, мг КОН	2,5...2,8	2,1....2,7	1,8....2,2	2,5...4,8
2	Ранги, 1 см кюветада доимий 35 сар.бир. да, қиз.бир.	39....48	21.....27	8,0...10,5	14....18
3	Намлик ва учувчан моддалар, миқдори, %	0,3...0,4	0,35...0,4	0,3...0,35	0,4...0,45
4	Чўкма миқдори, %	0,1...0,16	0,09...0,12	0,1...0,14	0,1...0,2

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ўсимлик хом ашёларидан олинадиган мойлар таркиби турличадир.

Бизга маълумки ўсимлик мойлари таркибида бир қатор ҳамро моддалар бўлади. Бундай ҳамроҳ моддалр мой таркибига уруғни етилиш дарида ёки қайта ишлаш даврида ўзгармасдан ёки ўзганрган кўринишда ўтади, шу билан бирга мойларни қайта ишлаш жараёнида жараённинг боришига ва маҳсулот

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўз.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

чиқишига таъсир кўрсатади. Баъзи бир йўлдош моддалар фақатгина биргина мойли хом ашё таркибидагина бўлиб, мойнинг ўзига хос кўринишга келишига олиб келади.

Мисол учун: пахта чигити таркибида госсипол, махсар уруғи таркибида хлорофилл ва ошловчи моддалар, кунгабоқар уруғи таркибида фосфолипидлар, каратиноид кабиларни келтириб ўтиш мумкин. Мойлар таркибидаги бундай ҳамроҳ моддалар ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш вақтида мой таркибидан чиқариб ташланади.

Қуйида турли ўсимлик мойлари таркибида учрайдиган ҳамроҳ моддалар тўғрисида маълумот бериб ўтамиз.

Фосфолипидлар – йўлдош моддаларнинг муҳим гуруҳи бўлиб, мураккаб поляр липидларга киради. Мойли уруғларда фосфолипидлар оксиллар ва углеводлар билан боғланган ҳолда мойсиз қисмда жойлашган. Қайта ишлаш шароитларидан келиб чиққан ҳолда мойдаги фосфолипидлар 20-90% гача ажратиб олиниши мумкин.

Фосфолипидлар сувга сезгир ҳисобланиб, уларни мойдан чиқариб юборишдаги технологик ишлов сувга асосланади.

Пигментлар – мой ажратиш жараёнида хомашёдан ўтадиган ва қайсидир даражада ранг бериш хусусиятига эга бўёвчи моддалар. Маълум шароитларда специфик таркибга эга моддалар бўлиши ҳам мумкин. Масалан, аминокруппа сақлайдиган липидларни шакарлар билан таъсирлашишида – меланофосфолипидлар ҳамда липидларни чуқур оксидланиши ҳосилаларига айланади.

а) каротиноидлар – юқоритўйинмаган углеводородлар, каротинлар ва уларнинг кислород сақловчи ҳосилалари ксантофиллар. Улар мойларга сарикдан қизилгача ранг бериши мумкин. Уларнинг энг кўп миқдори палғма мойида (600-800 мг/кг) бўлиб, кунгабоқар мойида 40 мг/кг, сут мойида эса 20 мг/кг гача бўлиши мумкин. Экстракция мойида каротиноидлар сақлами пресс

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

мойидагига нисбатан кўпроқ кузатилади. Тирик организмда β -каротион витамин А га айланади.

б) хлорофиллар – ўсимлик мойларига яшил ранг бериш хусусиятига эга. Хлорофиллар рапс, олипка, узум, махсар мойларида кўп учрайди. Рапс мойида хлорофилл сақлами 5-20 мг/кг гача етади.

Минерал кислоталар таъсирида хлорофиллар фефитинга, кейинчалик эса феофорбидга айланади. Уларнинг ҳаммаси оқловчи тупроқ ва кўмирларда адсорбцияланади.

в) госсипол – gossypium авлодига мансуб ўсимликларда учрайдиган специфик пигмент. Пахта мойига сарикдан тўқ қизилгача ранг бериш хусусиятига эга. Госсипол ранг беришдан ташқари заҳарли, биологик фаол модда ҳам ҳисобланади. Унинг пахта мойидаги миқдори 0,02-2,0% гача бўлиши мумкин.

Эркин мой кислоталари. Етилган ва соғлом уруғлардан ажратилган мойлар ҳар доим қандайдир миқдорда эркин мой кислотларини тутади. Уларнинг таркиби триглицеринлар мой кислотларидан фарқ қилмайди. Улар асосан уруғларни сақлаш ёки қайта ишлашдаги ноқулай шароитлар туфайли триацилглицеринларни гидролизланиши ҳосилаларидир.

Ҳид ва ранг берувчи моддалар. Мойларнинг ҳид ва таъми органолептик аниқланади. Бу моддаларнинг ўзига хос томони – учувчанлиги ва молекуласида специфик функционал гуруҳлар мавжудлиги. Улар мойларда кам миқдорда бўлади, бироқ кўп турлилиги билан аҳамиятга эга. Углеводородлар, алдгидлар, спиртлар, қуйимолекуляр эфирлар, мой кислоталари ва б. Ҳид ва таъми асосий манбалари метилкетонлар ва алифатик углеводородлар ҳисобланади.

					<i>Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш</i>	<i>Лист</i>
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Тажрибаларда фойдаланилган қора пахта мойлари тавсифи

3-жадвал

Кўрсаткичлар номи	“Андижон моймой” АЖ да иш.чиқ.	“Асака мой” АЖ да иш.чиқ.
Кислота сони, Мг КОН	5,5....8,5	17....17,5
Ранги, (1 см кюветада 35 доимий сар.бир.да) киз.(кўк) бир.	46(2)....56(3)	58(5)....65(5)
Намлиги, %	0,42....0,47	0,43....0,49
Механик қўшимчалар сақлами, %	0,3....0,6	0,3....0,8

Юқорида келтириб ўтилган ҳамроҳ моддлар рафинация жараёнини боришига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли рафинация усулларини танлашда айнан бир технологиягик тизимга асосланган ҳолда олиб бориш талаб этилади.

Ильясов А.Т., Уроқов Р.М. ва б. томонидан янчилмани ишлов бериш учун карбамидни кучсиз ишқор муҳитида ишлатилганда яхши самаралар олиш мумкинлиги тажрибавий йўл билан исботланган.

Ўсимлик мойларини ишқорий рафинация қилиш учун саноатда қуйидаги усуллар ишлатилади : мойни даврий ишлайдиган нейтрализаторларда нейтраллаш ва соапстокни чўктириш; мой (мисцелла) ва ишқор жадал таъсирлашуви реактор-турбулизаторларда амалга ошириладиган ва нейтралланган мойни соапстокдан узлуксиз ҳолда ажратиладиган эмульсион нейтрализация; ишқор ва мойни реактор-турбулизаторда жадал аралаштириш, кейинги жараёнларни даврий нейтрализаторда амалга ошириб соапстокни ҳам даврий нейтрализаторда ажратишни назарда тутувчи комбинацион усул. Республикамиз мой-мой саноатида одатда комбинацион усул баъзи корхоналарда эса эмульсион рафинация қўлланилади.

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Ўсимлик мойларини рафинация қилишни жадаллаштирувчи, рафинацияланган мойни сифатини яхшиловчи турли усуллар устида кўплаб изланишлар олиб борилган.

Мойларни ишқор билан бирга вентеризация қилиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, бу усул рафинация жараёнида яхши самара бермоқда.

Республикамиз ва институтимиз олимлари томонидан рафинация жараёнини янада такомиллаштириш устида изланишлар олиб борилмоқда.

Аралаштириш ҳудудида электромагнит майдонни таъсир эттириш ва доимий электромагнит майдонида фазаларни (соапсток ва мой) ажратишдан олдин ишқор билан ишлов бериш муаллифлар фикрига кўра мақсадли маҳсулот чиқиши ва сифатини ошишига олиб келиши тўғрисидаги хулосалар шулар жумласидандир.

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

2.2. ТЕХНОЛОГИК СХЕМАНИ ТАНЛАШ ВА АСОСЛАШ

Даврий усул - ҳозирги вақтда мойларнинг унча катта бўлмаган миқдори ва пахта мойи учун ишлатилмоқда. Бу усул хажми 5, 10, 20 т бўлган нейтрализатор-ларда бажарилади. Рафинация қуйидагича олиб борилади.

Мой нейтрализаторга келиб тушади ва буғли ғилоф ёрдамида керакли ҳароратгача (40-45⁰С) қиздириб аралаштирилади.

Тарқатувчи ёрдамида, ҳисоб-ланган ва шу ҳароратгача қиздирилган ишқор эритмаси берилади, 30 мин. давомида аралаштириб турилади. Кейин мойнинг ҳароратини кўтариб (60-65⁰С), соапсток парчалари ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Тиндирилади. Мой шарнирли труба орқали қуйиб олинади. Соапстокни эса махсус сиғимга туширилади. Зарур бўлганда сув ёки туз эритмасини бериш мумкин.

Даврий усулнинг камчилиги, тиндиришнинг узоклиги, соапстокда нейтрал мой миқдорининг кўплиги ва бу жараён узок бўлгани учун ишқор нейтрал мойни совунлайди. Соапсток мойлигини 30-50 % бўлади.

А.А.Шмидт янги усулни таклиф қилди, яъни туз-сув асосли нейтрализация. Бу усул, совун пардаси ош тузининг кучсиз эритмасида эришига асосланган ва буни натижасида соапстокдаги нейтрал мой ажралиб чиқади. Бунинг учун нейтрализаторга 1 % концентрацияли туз-сув эритмаси берилади. Совунли парда чўкмага туша туриб, туз-сув эритмасига тушади. Совун эриб, мой ажралиб чиқади. Нейтрализация ҳарорати 90-95 ⁰С (совун шундай ҳароратда яхши эрийди). Ишқор концентрацияси 40-45 г/л. Тузли эритманинг миқдори мойнинг кислота сонига боғлиқ ва эритмадаги совун концентрацияси 9-12 % дан ошмаслиги керак. Туз-сув асосли усул нейтрализатор унумдорлигини оширади ва соапстокдаги мой миқдорини камайтиради.

Узлуксиз усул. Нейтрал мой-соапсток фазаларини марказдан қочма куч майдонида ажратиш энг самарали ва истиқболли усул ҳисобланади. Бунда

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

нейтрализация махсус аралаштиргичларда, фазаларга ажратиш эса сепараторларда амалга оширилади.

Бу усул билан ишловчи қуйидаги қурилмалар мавжуд: А1-ЖРН, “Альфа-Лаваль”, “Вестфалия”, “Джанацца”, “Шарплес”. Бу қурилмалар бир-биридан унумдорлиги ва ишлатилаётган сепараторлар билан фарқ қилади. МДХда А1-ЖРН ва “Альфа-Лаваль” қурилмаларидан кенг фойдаланилади.

Одатда амалиётда пахта мойини ишқорий рафинация қилиб, эркин мой кислоталарини нейтраллаш билан ишқорнинг госсиполдаги гидроксил гуруҳи ва бошқа аралашмалар билан бирикишига эришишга ҳаракат қилинади. Бу билан улар мойдан соапсток билан бирга чиқарилиб юборилади ва худди шу йўл билан мой рангининг оч бўлишига эришилади.

Пахта мойини нейтраллашда ишқор эркин мой кислоталарини нейтраллаш билан бир вақтда госсиполни кислота характерли гидроксил гуруҳи билан реакцияга киришиб госсиполят натрий ҳосил қилади.

Мисцеллада ишқорий рафинация. Мисцелладаги мойли аралашмаларни дистилляторлардаги иссиқлик таъсиригача ажратиб олиш, олинаётган мой рангига ижобий таъсир қилади. Бу айниқса пахта мойини ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга, чунки унинг таркибидаги госсиполда буғ-иссиқлик билан қайта ишлаш жараёнида катта ўзгаришлар рўй беради.

Мой билан солиштирганда мисцелланинг нисбатан паст қовушқоқликка эгалиги совунни осон ва тез ажратиш имкониятини яратади.

Бу айниқса пахта мойини рафинациялашда муҳимдир. Шунинг учун охирги пайтларда пахта мойини қуйидаги эритувчиларда рафинациялаш усулларига кўп эътибор берилмоқда, яъни ацетон, гексан, бензин, метил ва этил спиртлари, турли эритувчиларнинг аралашмалари: изопропил спирти+гексан, аммиак+гексан (спирт) ва ҳ.

Эритувчиларни қўллаш совуннинг қовушқоқлигини пасайтириб, соапстокни мойидан тез ажралишини таъминлайди. Масалан, солиштирма

					<i>Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш</i>	<i>Лист</i>
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

оғирлиги 0,9075 бўлган пахта мойини, 40% ли Н-гександаги эритмасида солиштира оғирлиги 0,7528 га тенг бўлади.

Тегишли равишда абсолют қовушқоқлиги 37,4 г/см соатни ташкил қилса, 40% ли мисцелла (Н-гександа)ни қовушқоқлиги 1,4 г/см соатга тенг бўлади.

Мисцеллада рафинациялашда мой-эритувчи ва мой-соапсток системасини тиндириб ажратиш, мисцелла (0,7528) ва соапсток (1,0457) солиштира оғирликлари фарқининг ошиши, шунингдек, мисцелла қовушқоқлигининг пасайиши ҳисобига, яхшиланади.

Пахта мойи рафинациясига қўйиладиган асосий талабларни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин.

Сақлаш жараёнида ва узоқ масофага ташишда пахта мойининг мойли бўлмаган аралашмаларининг ўзгариши (эскириши) таъсирини камайтириш учун яхшиси пахта мойини мой ишлаб чиқариш заводларида рафинациялаш керак. Буни пахта мойи ишлаб чиқаргандан кейин, қайта ишланаётган чигитнинг сорти, мой ишлаб чиқаришнинг усуллари (форпресслаш, экстракциялаш) ва кўрсаткичлари бўйича ажратиб рафинациялаш лозим.

Мойни қайта ишлаш заводларига юборилаётган пахта мойи, худди шундай алоҳида (нави ва ишлаб чиқариш усули) бўйича юкланади. Алоҳида қабул қилиш ва қайта ишлашни таъминлаш учун, жўнатилаётган мойлар, қайта ишланган чигитнинг тўлиқ кўрсаткичлари, мойни ишлаб чиқариш усуллари ва мой ишлаб чиқариш режимлари кўрсатилган ҳужжат билан бирга юборилади.

Мисцеллада рафинациялаш жараёнинг афзалликлари: бугунги кунда Республикамиздаги мой-мой корхоналарига келтирилаётган техник пахта чигитининг ностандарт навлари кўпайиб кетганлигини сабабли, пахта мойини мисцеллада рафинациялаш технологияси ВНИИЖ олимлари томонидан ишлаб чиқилган ва олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мисцелланинг қовушқоқлиги пастлиги натижасида ишқор билан реакция

					<i>Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш</i>	<i>Лист</i>
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

киришган вақтда қимматли бўлган триглицеридларнинг совунланиши камаяди, ишқор сарфи ҳам камаяди шу билан бирга концентарцияси ҳам пасаяди. Бундан ташқари, рафинацияланган мойнинг чиқиши 2-3% га ортади, мисцеллани ўзининг ҳароратини ҳисобига жараённинг бориши учун оптимал ҳарорат ҳосил бўлади.

Мисцеллада рафиациялаш жараёнинг камчиликлари: биринчи галда эритувчини сарфи анъанавий усулга нисбатан кўпроқ сарф бўлади. Ажратиб олинган соапстокнинг совун ҳосил қилиш қобилияти пасаяди. Жараёни доимий равишда кузатиб туриш талаб этилади. Эритувчи яъни экстракцион бензин билан ишланганлиги сабабли, ёнғин хавфи юқори ҳисобланади.


Бизнинг битирув малакавий ишимизда пахта мойини рафинациялашда карбамдли эритма таъсирини ўрганиш бўлганлиги сабабли, юқорида келтирилган даврий усулдан фойдаланимиз. Чунки бошқа келтириб ўтилган рафинациялаш усулларида карбамидли эритма таъсирини кўришнинг имкони мавжуд эмас.

Рафинацияланган пахта мойи ишлаб чиқариш технологик жараёни куйидаги бир-бирига боғлиқ босқичлардан иборат:

1. Рафинацияланмаган мойни қабул қилиш.
2. Ишқор эритмасини тайёрлаш.
3. Рафинацияланмаган мойни ишқор билан аралаштириш.
(Карбамидли эритма билан ишлов бериш айнан нейрализация жараёнида амалга оширилади)
4. Рафинацияланмаган мойни нейтрализация қилиш.
5. Мойдан соапстокни ажратиш.
6. Рафинацияланган мойни ювиш, қуритиш ва рангсизлантириш.
7. Рафинацияланган мойни дезодорациялаш, қадоқлаш ва мой омборига жўнатиш.
8. Соапстокни совун цехига ҳайдаш.

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Танланган принципал технологик схема



2.3. ТЕХНОЛОГИК СХЕМАНИ БАЁНИ

Рафинация қилинмаган форпресс пахта мойи 1-тарозили бак орқали 2-насос ёрдамида, 3-иссиқлик алмашилиш аппаратида узатилади. Уерда мой 25-30°С гача совуқ сув билан совутилади. Совутилган мой реактор-турбулизатор 4-га келади. Реактор-турбулизаторга иккинчи томондан 5-сиғим орқали тайёрланган ишчи ишқор эритмаси берилади. Нейтрализаторга келган мойга иккинчи тарафдан 5а-сиғимдан мой массасига нисбатан соапсток заррачаларини йириклаштириш учун 4%гача карбамид эритмаси берилади. ва 15-20 минут давомида аралаштирилади. Нейтраллаш жараёни 20-25°С ҳароратда бошланади ва 50-55°С ҳароратда жараён тўхтатилади. Нейтрализаторда нейтраллаш жараёни аралаштиргичнинг айланиш сони 50-60 айл/мин ҳолатида 30мин дан 60 мин гача давом этиши мумкин.

Нейтралланган мой таркибидаги ортикча ишқор ва совун қолдиқларидан тозалаш учун мой 7-насос ёрдамида 10-вакуум ювиш-қуриштиш ускунасида узатилади. Бу ерга 5б-сиғимдан мой массасига нисбатан 8-10% миқдорда 2 марта сув берилади ва мой икки ёки уч марта ювилади. Ювиш совунга сифат таҳлили салбий натижа бергандагина тўхтатилади. Ювиш тугагандан кейин мойни тиндириб суви чўктирилади, сўнгра мой 90-95°С ҳароратда 40-45мм симоб устуни қолдиқ босим остида қуриштилади. Қуришилган мой таркибида 0,1% гача намлик қолишига рухсат берилади. Ҳосил бўлган ювинди сув 12-мой тутқичга узатилади, у ерда мой тутиб қолинади ва ажралган техник мой 13-насос ёрдамида тозалашга узатилади. Ювиб қуришилган мой эса таркибидаги ранг берувчи моддалардан тозалаш учун 11-насос орқали, вакуум-оқлаш аппарати 14-га келади. У ерда мой 90-95°С гача қиздирилади, қолдиқ босим 40-60 мм сим уст босим остида қуриштилади. Сўнгра оқловчи аппаратга 15-сиғимдан мой массасига нисбатан 1-3% миқдорда баъзи ҳолатда 5%гача оқловчи тупроқ берилади ва 20-30 минут давомида ёғ билан оқловчи тупроқ яхшилаб аралаштирилади.

					<i>Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш</i>	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

Оқловчи тупроқ таркибидаги майда заррачалар 51-циклонда тўпланади. Оқлаш жараёни охирига етгандан сўнг 16-филтрпрессга узатилади. Филтрдан ўтган тоза мой 17-шнек ёрдамида, 18-сиғимга тўпланади ва филтрдан ажралган, ҳамда оқловчи аппаратдан ажралиб чиққан оқловчи тупроқ биргаликда 19-сиғимга тўпланиб у ердан қайта ишлашга юборилади. Филтрдан чиққан тоза мой 20-насос ёрдамида, 21-сиғимга берилади.

Рафинацияланган мой насос 22-орқали электр иситкич 23 дан ўтиб деаэратор қурилмасига берилади. Деаэратор қурилмаси вакуум тизимида ишлайди. Деаэрацияланган мой насос 25-ёрдамида рекуперацион иссиқлик алмаширкич 26-дан ўтиб, электр исситкич 27-га берилади. Рекуперацион иссиқлик алмаштиркичда мойнинг ҳарорати 180°C - 200°C га кўтарилса, электр исситкич ёрдамида эса 220°C - 240°C га кўтарилади. Рекуперацион иссиқлик алмаштиркич қурилмаси дезодоратордан чиқаётган мойнинг ҳисобига ишлайди. Ушбу қурилма бир вақтнинг ўзида, мойни ҳам иситиш ҳам совутиш вазифасини бажаради. Дезодорация тизими икки босқичдан иборат бўлиб, 2-та горизонтал цилиндрдан ташкил топган ва ўзаро қуйиш трубкалари билан таъминланган. Бундай ҳолат мойни узлуксиз аралашшига имкон яратади, 2-та цилиндр ҳам ўткир буғ барбатори ва скруббер 48-га буғ-газ аралашмасини чиқариб юбориш учун вакуум трупкаси билан таъминланган. Мойни тугал қиздириш 27-иссиқлик қурилмаси ёрдамида амалга оширилади. Мойнинг ҳароратидан $10-15^{\circ}\text{C}$ юқори бўлган ҳароратда цилиндрларнинг ички қисмига 29-электр исситкич орқали ўткир буғ берилади. Бундан мақсад ёпик цилиндр ичида йиғилиб қолган ёғ кислоталари, буғ-газ аралашмасини чиқариб юбориш учун хизмат қилади. Дезодорация 28-да мой биринчи секциядан икинчи секцияга узлуксиз равишда аралашиб туради. Дезодорация, ювиш-қуриштиш, оқлаш тизимларига вакуум тизими 47-уч босқичли буғ-эжектор ёрдамида ҳосил қилинади. Дезодорациянинг иккинчи цилиндридан чиққан дезодорацияланган мой 30-насос орқали 26-рекуперацион иссиқлик алмаштиркичда совутилиб, 31-насос ёрдамида полировкали филтрга

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўз.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

узатилади. У ерга 32-сиғим орқали лимон кислотаси билан қайта ишлов берилади ва фильтрдан ўтказилади.

Фильтрдан ўтган мой 34-насос ёрдамида, 35-сиғимга берилади. Сиғимда тўпланган мой 36-сиғим орқали қуйиш ускунаси 40-га берилади, 37-компрессор ёрдамида, 39-шакл берувчи ускунага узатилади. У ерга 38-қиздиркич орқали ПЭТ идишларга шакл берилади, 36-оралиқ сиғимдан мой қуйиш ускунасида ПЭТ идишларга тайёр маҳсулот қуйилади ва 42-мой учун тарозида назорат қилиниб, 41-қопқоқ ёпиш ускунасига узатилади, сўнг 43-назорат столига берилади. У ердан 44-этикетка ёпиштириш қурилмасига узатилади ва блоклаш ускунаси 45-да блок шаклига келтирилиб, транспартьёр лента 46- ёрдамида тайёр маҳсулот омборга юборилади.

					Пахта мойини комплекс рафинациялаш технологиясини таъкил этишда карбамидли эритма таъсирини ўрганиш	Лист
Ўзг.	Лист	Хужжат	Имзо	Сана		

2.4. ХОМ АШЕ ВА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ТАВСИФИ

Физик - кимёвий ва органолептик кўрсаткичлари бўйича рафинацияланмаган пахта мойи давлат андозаси TSh 86-7: 1998 нинг меъёрларига ва 2.1.1 жадвалдаги кўрсаткичларга тўғри келиши керак.

Рафинацияланмаган пахта мойининг табиий ва физик – кимёвий кўрсаткичлари

2.1.1. Жадвал.

т\р	Кўрсаткичларнинг номланиши	Мойнинг хусусияти		
		Н а в л а р		
		Олий	Биринчи	Иккинчи
1.	Х и д и	Рафинацияланмаган мойга мос ҳидга эга, бошқа ҳидларсиз		
2.	Ранги : 1см қалинликда 35 сариқ бирликда, дан ортиқ эмас	16	60	Меъёрлаштирилмаган
3	Кислоталар сони мгКОН, дан ортиқ эмас	4	6	12
4.	Мой бўлмаган моддаларнинг (қуйқадаги) вазний улуши, % дан ортиқ эмас	0,2	0,2	0,3
